

ШАРТНОМА

Наманган туман

№ 2

2024 йил 30 » апрел

Амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Етказиб берувчи" деб юритилувчи И. Б. Ш. Раҳмонов Исоев корхонаси номидан иш кўрувчи И. Раҳмонов бир томондан ва амалдаги Устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Харидор" деб юритилувчи Наманган туман ҳокимлиги номидан Ш. Раҳмонов иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар туғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. "Етказиб берувчи" мазкур шартнома бўйича «Харидор»га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги соғиқ маҳсулотлари етказиб беради, Харидор етказиб берилган маҳсулотларни қабул қилиб олиб, амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ белгиланган тўлов кетма-кетлигига риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Етказиб бериладиган маҳсулотларнинг қуйидагича.

№	Маҳсулот номи	Улчов бирлиги	Нархи	Миқдори	Суммаси
1	Базилия (қонфетчи)	донг	100 000	150 донг	15000000

II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 15 000 000 (Ин беш мишсон сўм) сумми ташкил этади.

2.2. «Бюджет ташкилоти» олинadиган маҳсулотлар учун амалдаги қонунчиликда кўрсатилган миқдордан кам бўлмаган, яъни 30 % фоиз тўловини олдиндан "Етказиб берувчи" ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. "Етказиб берувчи" тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорда ва аванс тўловидан сўнг 5 кун муддатда маҳсулотларни «Бюджет ташкилоти»га етказиб беради.

2.4. «Бюджет ташкилоти» тақдим этилган ҳужжатларга асосан 10 кундан ортиқ бўлмаган муддатларда узил-кесил ҳисоб-китоб қилади.

2.5. Етказиб берилган маҳсулотлар учун пул ўтказиш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. «Бюджет ташкилоти»нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

"Етказиб берувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

Олинadиган маҳсулотлари «Бюджет ташкилоти» га транспортда ташилганда "Етказиб берувчи"дан транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

"Етказиб берувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги маҳсулотлари етказиб берилишини талаб қилиш;

мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Етказиб берувчи"дан талаб қилиш.

ўз буюртманомаси бўйича етказиб берилган маҳсулотларини мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

Етказиб бериладиган маҳсулотлар қийматини ҳаққонийлиги «Бюджет ташкилоти» зиммасида бўлади.

3.2. "Етказиб берувчи" қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

Етказиб берилган маҳсулотлари учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини «Бюджет ташкилоти»дан талаб қилиш;

«Бюджет ташкилоти»га маҳсулотларини мазкур шартномага мувофиқ «Бюджет ташкилоти» буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда етказиб бериш.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. «Бюджет ташкилоти» муддатлар бузилган ҳолда етказиб берилган маҳсулотларини қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.4. «Бюджет ташкилоти» илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд маҳсулотларининг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Етказиб берувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 5 кун олдин хабардор қилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Маҳсулотларни етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда "Етказиб берувчи" «Бюджет ташкилоти»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган хом ашё маҳсулотлари қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва хом ашё маҳсулотлари етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.2. Етказиб берилган маҳсулотлар учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда «Бюджет ташкилоти» "Етказиб берувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

5.4. Форс-мажор ҳолатларида шарнома шартлари бажарилмаса, томонлар жавобгарликдан озод бўладилар.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судга ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома «Бюджет ташкилоти» ва «Етказиб берувчи» томонидан тасдиқланиб, газначилик бошқармасини ҳудудий газначилик булинмаси томонидан рўйхатдан утказилгандан сунг кучга кириди ва 2024-йил 31 декабр қадар амал қилади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тўталланган тақдирда тўхтатилади.

VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

XI. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

«ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»

Адрес: А.Т. Дадабаев

СТИР 552874408

Х.Р. 20218000700766993001

БАНК А.Т.Б. Аскара Банк

ФМО 000231

Стир 552874408

Рахбар А.Т. Дадабаев

«Бюртмачи»

Адрес: Наманган

СТИР 200028630

ШХР 100022860142127041503018001

Ўзбекистон Республикаси М В

газначилиги БАНК Марказий

Банк: М Б Тошкент ш 6 6 ХККМ

МФО 00014 стир 201122919

Рахбар Ш. Нурбаев

Юрист А.Т. Дадабаев





Yakka tartibdagi tadbirkorni davlat ro'yxatidan o'tkazish to'g'risida

GUVOHNOMA

CHADABAYEV ISMOIL ADXAMOVICH ga berildi, unga nisbatan tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga yakka tartibdagi tadbirkor sifatida davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

(Yakka tartibdagi tadbirkorning to'liq ism, familiyasi va otasining ismi)

Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga yakka tartibdagi tadbirkor sifatida davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida yozuv kiritilganiga nisbatan

01.05.2017

521805

raqamli yozuv bilan ro'yxatga kiritiladi.

(Sana: oy (so'z bilan), yil)

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

552874408

Pasport: Seriyasi: AA Raqami: 5291724 02.05.2014 y. certificate.passportIssueDate

УВД НАМАНГАНСКОЙ ОБЛАСТИ

(Pasport bergan organning to'liq nomi)

Uy manzili: Namangan viloyati, Namangan, N.QORIYEV KO'CHASI, 1-BERK, 6-UY

Amalga oshiriladigan faoliyat tur(lar)i: Nooziq-ovsat tovarlarni chakana solish (neft mahsulotlarining barcha turlari),

qimmatli qimmatli va qimmatbaho toshlardan yasalgan buyumlar yoxud bunday materiallar qo'llanilgan buyumlar, avtobilvazual asbabi,

fonogrammalar va EHM uchun yaratilgan dasturlarni, yangi import avtomobillari va farmatsevtika tovarlarini solish bundan mustasno).

Faoliyatni amalga oshirish manzili Namangan viloyati, Namangan, SARDOBA BOZORI XUDUDIDA

Guvohnoma Namangan viloyati, Namangan, YAGONA DARCHA MARKAZI tomonidan berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI NAMANGAN TUMANI HOKIMINING FARMOYISHI

2024 - yil 11 - mart

23-6-82-F/24

Namangan tumani hokimligi

O'zbekiston Respublikasi "Budget kodeksi"ning 28-moddasiga asosan, tuman hokimining birinchi o'rinbosari Sh.Abubakirovni tuman hokimi nomiga 2024 yil 6 martda yozgan va tuman hokimligida 2024 yil 6 mart kuni 01-17/116-son bilan qayd etilgan, tuman hokimi o'rinbosari J.Akbarovni tuman hokimi nomiga 2024 yil 14 fevralda yozgan va tuman hokimligida 2024 yil 15 fevral kuni 01-17/84-son bilan qayd etilgan, bildirishnomalarini ko'rib, o'rganib chiqib, ularni ijrosini ta'minlash maqsadida,

1. Tuman hokimining birinchi o'rinbosari Sh.Abubakirovni tuman hokimi nomiga 2024 yil 6 martda yozgan va tuman hokimligida 2024 yil 6 mart kuni 01-17/116-son bilan qayd etilgan, tuman hokimi o'rinbosari J.Akbarovni tuman hokimi nomiga 2024 yil 14 fevralda yozgan va tuman hokimligida 2024 yil 15 fevral kuni 01-17/84-son bilan qayd etilgan bildirishnomalarini ma'lumot va asos uchun qabul qilinsin.

2. Joriy yil mart oyida O'zbekiston Respublikasi Prezidenti va Prezident Administratsiya vakillari hamda Vazirlik idora rahbarlarini viloyatimiz hamda tumanimizga tashriflari kutilishi munosabati bilan tuman hokimligining ma'muriy binosini joriy ta'mirlash uchun zaruriy qurilish materiallari sotib olish uchun 99000.0 (to'qson to'qqiz) mln.so'm, santexnik jihozlar sotib olish uchun 3000.0 (uch) mln.so'm, elektr jihozlari sotib olish uchun 3000.0 (uch) mln.so'm, oshxona mebellari sotib olish uchun 4000.0 (to'rt) mln.so'm, tuman hokimligining moddiy texnika bazasini mustahkamlash uchun tuman hokimligining qurilish bo'limiga 1 dona kompyuter sotib olish uchun 8000.0 (sakkiz) mln.so'm, devonxona bo'limiga 1 dona rangli (ko'p funksiyali) printer sotib olish uchun 3000.0 (uch) mln so'm, 8-mart xalqaro xotin-qizlar bayrami kuni munosabati bilan tumandagi faxriy onahonlar va tashkilot muassasalarida ishlovchi 300 nafar ayollarga bayram dasturxonini uchun 20000.0 (yigirma) mln.so'm, esdalik sovg'alar uchun 15000.0 (o'n besh) mln. so'm, tuman xokimligida tashrif munosabati bilan tashkil etilgan Adminstratsiya shtabiga idora mollari sotib olish uchun 3000.0 (uch) mln.so'm, tuman xokimligi xodimlarga qulay shart-sharoitlar yaratish, ish sharoitlarini yaxshilash maqsadida mebel va ofes jihozlari sotib olish uchun 20000.0 (yigirma) mln.so'm, keng xajmli yozuv

yilgi zahira mablag'lari hisobidan ajratilsin.

3. Tuman hokimligi bosh hisobchisi (Sh.O'ralov)ga ajratilgan mablag'larga moliyalashtirish manbaalarini ochish uchun amaldagi belgilangan tartibga asosan tegishli hujjatlarni rasmiylashtirib, tuman iqtisodiyot va moliya bo'limi va tuman g'aznachilik xizmati bo'limlariga taqdim etsin hamda mazkur mablag'larni maqsadli va samarali sarflanishini ta'minlasin.

4. Tumani iqtisodiyot va moliya bo'limi (A.Sobirjonov)ga, amalda belgilangan tartib asosida ajratilgan mablag'lar doirasida budget harajatlar rejasiga tegishli o'zgartirishlar kiritish hamda harajatlar smetasini belgilangan tartibda ro'yxatdan o'tkazish, tuman g'aznachilik xizmati bo'limi (D.Nuriddinov)ga, to'lovlarni o'z vaqtida amalga oshirilishini ta'minlash vazifalari topshirilsin.

5. Ushbu farmoyishning bajarilishini nazorat qilish tuman hokimining birinchi o'rinbosari Sh.Abubakirov zimmasiga yuklansin.

Туман ҳокими



С.Мўминов

“ТАСДИКЛАЙМАН”

Наманган туман ҳокимининг
биринчи ўринбосари



 Ш.Абубакиров

2024 йил апрел

Давлат харидларини амалга ошириш бўйича Наманган туман ҳокимлиги
танлов комиссиясини йиғилиш

БАЁНИ №

2024 йил “29” апрел

Наманган туман

Раислик қилувчи:

Ш.Абубакиров— Туман ҳокимининг
биринчи ўринбосари

Йиғилиш котиби

И.Турсунова

Йиғилишда қатнашдилар

Туман ҳокимлигинг барча танлов
комиссияси аъзолари

КУН ТАРТИБИ:

Туман ҳокимлигининг 2024 йил 11- мартдаги 23-6-82-Ф/24 сонли фармойишига асосан ажратилган маблағларга давлат харидларини амалга ошириш учун тадбиркорлик субъектларидан тушган таклифлар ичидан энг арзон ва қулай бўлган таклифни танлаб олиш тўғрисида.

(Абубакиров.Ш, Саидазимов.О, Ж.Акбаров,Турғунпўлатов.А, Рахимов.Б, Д.Солиев, Ш.Абубакиров)

Йиғилишни, Наманган туман ҳокимининг биринчи ўринбосарлари Ш.Абубакиров очиб берди Наманган туман ҳокимининг 2024 йил 11-мартдаги 23-6-82-Ф/24 сонли фармойишига асосан 8-Март Ҳалқаро хотин-қизлар байрами куни муносабати билан тумандаги фахрий онахонлар ва ташкилот муассасаларда ишловчи аёлларга эсдалик совғаларини ташкил этиш учун 15 000 000 миллион сўм, маблағ ажратилганлиги тўғрисида ва ушбу харидларни амалга ошириш учун туман ҳокимлигига тушган таклифлардан энг арзон ва қулай бўлган таклифни қабул қилиш лозимлиги тўғрисида гапирди.

Шундан сўнг кун тартибидаги масала юзасидан А.Турсунпўлатов сўзга чиқиб

Наманган туман ҳокимлигининг 2024 йил 11 -мартдаги 23-6-82-Ф/24 сонли

фармойишига асосан ижросини таъминлаш тадбиркорлик субъектларидан олинган тижорий таклифлари ўқиб эшиттирди.

2. Эсдалик совғалари етказиб бериш

№	Махсулот номи	ЯЯТ Ахмедов Абдулазиз Абдулхай ўғли	ЯТТ Дедабоев Исмоил Адхамович	ЯЯТ Дедабаев Азизбек Адхамович
1	Багима (Конфетнитса)	110 000	100 000	105 000
2	Сервис (слас васе)	130 000	120 000	120 000
3	Печи (духовка)	690 000	700 000	710 000

кўрсатиб ўтилган тижорий таклифлар йиғилиш қатнашчилари томонидан ўрганиб чиқилди ва энг кам микдордаги тижорий таклиф қабул қилиниши тўғрисида келишилди.

1. Туманда 8-Март Ҳалқаро хотин-қизлар байрами куни муносабати билан тумандаги фахрий онахонлар ва ташкилот муассасаларда ишловчи аёлларга эсдалик совғалари сотиб олишга “ЯТТ Дедабоев Исмоил Адхамович” корхонасининг таклифи, қулайлиги тўғрисида келишиб олинди. Юқоридагилардан келиб чиқиб йиғилиш,

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Кун тартибидаги масала юзасидан туман ҳокимлигига 8-Март байрам эсдалик совғалар учун тадбиркорлик субъектларидан тушган таклифлар ва маърузачиларнинг таклифлари ижро учун қабул қилинсин.

2. Берилган тижорий таклифларга асосан эсдалик совғалари сотиб олиш учун “ЯТТ Дедабоев Исмоил Адхамович” корхонаси таклифи маъқуллансин.

3. Туман ҳокимлиги бош ҳисобчиси (Ш.Ўралов) билан “ЯТТ Дедабоев Исмоил Адхамович” билан тузилган шартномалар имзолангандан сўнг амалдаги тартибга асосан тузилган шартномани давлат рўйхатидан ўтказиш ва тўловларини амалга ошириш вазифаси юклатилсин..

Йиғилиш котиби:



И.Турсунова

O'zb. Respub.
Namangan shahar
Yokhta tartibdagi
tasvirkorlik faoliyati
bilan shug'ullanuvchi
DEDABAYEV
ISMOIL ADHAMOVICH
20__ y.
№ _____

Дедабаев Исмоил Адхамович

Наманган туман
ҳокимлигига

Тижорий таклиф

Наманган шаҳар Сардоба бозорида жойлашаган ЯТТ
Дедабаев Исмоил Адхамович Наманган туман
ҳокимлигига совға учун маҳсулотларни куйдаги нархларда
етказиб беришни таклиф этади

№	Маҳсулот номи	Улчов бирлиги	Нархи
1	Багима (Конфетница)	Ком,т	100 000
2	Сервис (CLASS VASE)	Ком,т	120 000
3	Печь (духовка) 36	Дона	700 000

ЯТТ Дедабаев Исмоил Адхамович



И.Дедабаев

Handwritten signature of I. Dedabayev.

Namangan tuman
Hokimligi umumiy bo'limi
«23» 04. 2024
№ 01-17/194
Ilova

Тоғолов илтимоснома
Дармағ

Наманган туман
ҳокимлигига Наманган шаҳрида жойлашган
ЯТТ Дедабаев Азизбек Адхамовичдан

Тижорий таклиф


Наманган шаҳрида жойлашган Илёс Пласт Савдо Сервис МЧЖдан
Наманган туман ҳокимлигига совға учун идиштовок сервисларини
куйдаги нархларда етказиб беришни таклиф этади.

№	Маҳсулот номи	Улчов бирлиги	Нархи
№	Маҳсулот номи	Улчов бирлиги	Нархи
1	Багима (Конфетница)	Ком,т	105 000
2	Сервис (CLASS VASE)	Ком,т	120 000

ЯТТ Дедабаев Азизбек
Адхамовичдан



А.Дедабаев





Наманган туман
ҳокимлигига Наманган шаҳрида жойлашган
ЯТТ Ахмедов Абдулазиз Абдулхай ўғлидан

Тижорий таклиф

Наманган шаҳрида жойлашган ЯТТ Ахмедов Абдулазиз Абдулхай ўғлидан Наманган туман ҳокимлигига совға учун электр ва уй жихозларини куйдаги нархларда етказиб беришни таклиф этади.

№	Маҳсулот номи	Улчов бирлиги	Нархи
1	Багима (Конфетница)	Ком,т	110 000
2	Сервис (CLASS VASE)	Ком,т	130 000
3	Печь (духовка) 36	Дона	690 000

ЯТТ Ахмедов Абдулазиз
Абдулхай ўғли

А.Ахмедов

